



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko'chasi 57.

2022 йил «18» март

171-6-0-Q/22

Наманган вилояти ҳокимлиги

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2022 йилда туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 10 мартдаги 110-сон қарори ижроси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2022 йилда туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 10 мартдаги 110-сон қарори ижросини вилоятда таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2022 йилда туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 10 мартдаги 110-сон қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

туризм объектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, маданий мерос объектларини реставрация, консервация қилиш ва ободонлаштириш ҳамда туризм инфратузилмаси ва ёндош инфратузилмани қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва маданий-кўнгилочар инфратузилмаларни ривожлантириш бўйича лойиҳалар рўйхати (кейинги ўринларда — лойиҳалар рўйхат) иловага мувофиқ тасдиқланганлиги

эътиборга олинсин.

3. Туризм ва маданий мерос бош бошқармаси (Д.Исроилов) ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимлари зиммасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 мартдаги 110-сон қарори билан тасдиқланган лойиҳалар рўйхатининг асосий параметрларини белгиланган муддатларда тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек ажратилган маблағларни мақсадли йўналтириш ҳамда самарали фойдаланиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Туризм ва маданий мерос бошқармаси (Д.Исроилов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 мартдаги 110-сон қарори билан тасдиқланган лойиҳалар рўйхатига киритилган объектлар бўйича:

а) молиялаштириш ҳажмларини қурилиш-монтаж ишларининг календарь жадваллари билан узвий боғлиқликда аниқлаштирган ҳолда, 2022 йил учун йилдан-йилга ўтувчи қурилиш объектларининг манзилли рўйхатини бир ҳафта муддатда вилоят ҳокимлиги билан келишиб, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Маданий мерос агентлигига келишиш учун киритсин;

б) икки ой муддатда 2022 йилда янгидан бошланадиган лойиҳалар (объектлар) бўйича тасдиқланган лойиҳа олди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари асосида, белгиланган тартибда танлов (тендер) ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, харид қилиш тартиб-таомилларини яқунлаш ва танлов (тендер) голиблари билан пудрат шартномаларини тузиш чораларини кўрсин;

в) харид қилиш тартиб-таомиллари яқунлангандан сўнг беш кун ичида 2022 йил учун янгидан бошланадиган қурилиш объектларининг якуний манзилли рўйхатини вилоят ҳокимлиги билан келишиб, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Маданий мерос агентлигига келишиш учун киритсин.

5. Бошқарма, ташкилот, идора ва хўжалик бирлашмалари, Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Президентнинг “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон Фармонининг 9-бандига мувофиқ жорий йилда қурилишини давом эттириш

учун маблағ (лимит) назарда тутилмаган тугалланмаган ва фойдаланилмаётган объектларни белгиланган тартибда консервация қилиш, шунингдек, уларни консервация даврида лозим даражада сақлаш ва муҳофаза қилиш чораларини кўрсин.

6. Туризм ва маданий мерос бошқармаси (Д.Исроилов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Р.Расулов) билан биргаликда амалга оширилаётган лойиҳалар (объектлар) доимий мониторинг ва таҳлил қилиб борилишини, маблағлар ўз вақтида ажратилиши ҳамда самарали сарфланиши устидан назоратни таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Нуритдинов зиммасига юклансин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov